

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг
ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси
бўйича 2025 йилда амалга оширилган ишлар ҳолати тўғрисидаги
А Х Б О Р О Т И**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев бошчилигида мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш ва аҳолининг муаммоларини ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борада, 2025 йил давомида ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида бир қатор қуйидаги комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

I. Тезкор-қидирув фаолиятини жадаллаштириш

– ноқонуний муомаладаги **3 тн 775 кг 513 гр** гиёҳвандлик моддалари, **2 055 072** дона психотироп моддалари олинди;

– республикада содир этилган олди олиниши мумкин бўлган **жиноятларнинг 36 421** таси фош этилди, ички ишлар органлари томонидан ўтказилган **тезкор-қидирув ва тергов ҳаракатлари давомида 9 921** нафар шахслар ушланди, **600** нафар бедарак йўқолганлар топилиб, **3** та шахси номаълум мурдаларнинг шахси аниқланди;

– **3 757** нафар шахслар томонидан содир этилган **3 282** та коррупция ва иқтисод соҳасидаги жиноятлар аниқланиб, улар оқибатида етказилган **239** млрд **584** млн сўм миқдоридаги зарар ундирилиши таъминланди;

– пахта техник чигити ва ундан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг ноқонуний айланмаси билан боғлиқ **81** та қонунбузарлик ҳолатлари аниқланиб, улар юзасидан **39** та жиноят ишлари қўзғатилиб, **42** нафар шахс жиноий жавобгарликка тортилди, ҳуқуқбузарлардан **88 898** кг пахта чигити, **6 922** кг кунжара, **51 940** кг пахта хом ашёси, **13 736** кг маҳаллий ҳамда қўлбола пахта ёғи олиб қўйилди ва давлат тасарруфига ўтказилди;

– ер ресурслари талон-торож қилинишига қарши курашиш йўналишида **1 199** та жиноятлар аниқланди, **ноқонуний муомаладан олинган ерларнинг 2161,01** гектар ташкил этади;

– **444** та “хужра” ташкил қилган шахсларга нисбатан қонуний чоралар кўрилиши таъминланиб, **155** та чегара қоидаларини бузиш ҳолатлари аниқланди.

– **444** та “хужра” ташкил қилган шахсларга нисбатан қонуний чоралар кўрилиши таъминланиб, **155** та чегара қоидаларини бузиш ҳолатлари аниқланди.

II. Маҳаллаларда хавфсиз муҳит яратиш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар

Хусусан, маҳаллаларни янада хавфсиз қилиш учун мутлақо янги механизмларни жорий этиш мақсадида, Президентимизнинг 2025 йилдаги биринчи сон қарорлари қабул қилинди.

2025 йил 3 январдаги ПҚ-1-сон қарори.

Мазкур қарор билан 2025 йилда “Ҳар бир маҳаллада ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш” барча раҳбарлар учун – устувор вазифа этиб белгиланди.

Мазкур қарор билан маҳаллаларда хавфсизликни таъминлаш учун янги тажрибалар амалиётга жорий этилмоқда.

Жумладан, шу кунгача самарасиз фаолият юритган профилактика инспектори ёрдамчилари лавозимларини тугатиш ҳисобидан:

– профилактика кичик инспектори, миграцион профилактика бўлинмалари, туманлараро “маъмурий конвой гуруҳлари”, “маъмурий амалиёт гуруҳлари” каби лавозимлар жорий этилди;

– республиканинг 1 235 та криминоген оғир маҳаллаларига туман-шаҳар ҳокимлари, прокурорлар, ички ишлар ҳамда кўриқлаш хизмати бошлиғи ва ички ишлар бошлиқларининг ўринбосарлари, солиқ идоралари раҳбарлари номма-ном бириктирилди;

Қарор билан, илк бор республика, вилоят, туман-шаҳар ва маҳаллалар кесимидаги “йўл харита”лар ҳамда асосий мақсадли кўрсаткичлар (*индикаторлар, камера, домофон, техник қўриқлов каби*) ишлаб чиқилиб, ижрога қаратилди.

Маҳалланинг “йўл харита”сида нафақат “маҳалла еттилиги”нинг, балки адлия, мудофаа, соғлиқни сақлаш, бандлик, таълим, коммунал хизмат каби ташкилотларнинг ҳам айнан маҳалланинг ўзида қилиниши лозим бўлган вазифалар ва ишланадиган контингент сони аниқ белгилаб берилди.

Содда қилиб айтадиган бўлсак, Президент қарорининг иловалари билан республика–вилоят–туман–маҳаллада ким нима иш қилиши кераклиги аниқ ёзилган (*масъуллар фамилияси билан бириктирилган*) ва барча масалалар қамраб олинган.

205 йил 9 мартдан бошлаб республиканинг барча ҳудудларида **комплекс инспекторлик текшируви** ўтказилмоқда.

Ички ишлар вазирининг 2025 йил 9 мартдаги 90-сон фармойиши

Барча ҳудудларда ўрганишлар амалга оширилди. Бунда 150 нафардан зиёд вазирликнинг барча соҳавий хизматларидан иборат малакали раҳбар ходимлари келиб, ҳамма соҳавий хизматлар фаолиятини ўрганди ва амалий ёрдам кўрсатди.

Президентимизнинг 2025 йил 18 августдаги маҳаллаларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш тизими натижадорлигини янада оширишга қаратилган ПҚ-253-сон қарор имзоланди.

Ушбу қарор билан, сўнгги беш йилда криминоген вазияти мураккаб бўлиб қолаётган маҳаллаларда алоҳида ёндашувлар асосида ташкилий-профилактик тадбирлар орқали жиноятларни жиловлаш бўйича манзилли чоралар концепцияси тасдиқланди.

Концепцияда масъул давлат органлари фаолиятининг 12 та устувор йўналишлари ва 35 та механизмлари (чора-тадбирлари) белгиланган

Концепцияга асосан маҳаллаларда қуйидагича ишлаш тартиби йўлга қўйилди:

- ҳар бир мураккаб маҳалла кесимида алоҳида ҳар ойлик “йўл харита” ишлаб чиқилиб, бевосита вилоят ҳокими, прокурори, ИИБ бошлиғи ва бириктирилган таълим муассасаси раҳбари томонидан тасдиқланди;

- туман-шаҳар ИИБ раҳбари ва прокурорнинг хизмат хонаси бевосита маҳаллада ташкил этилди;

- маҳаллаларга вилоят даражасидаги ИИБ бошлиғининг ва прокурорнинг ўринбосарлари, соҳавий хизмат раҳбарлари номма-ном бириктирилиб, улар ҳафтада уч кунни тўлиқ бевосита ушбу маҳаллаларда амалга оширмоқда;

- маҳаллаларда кечаю-кундуз куч-воситаларнинг тезкор ҳаракатланишини таъминлаш мақсадида 2 нафар *(вазиятдан келиб чиқиб 3 нафаргача)* профилактика инспекторлари *(шундан битта катта инспектор)* штати ташкил этилди, 2 нафардан иборат патруль-пост хизмати нарядининг фаолияти йўлга қўйилди ҳамда 1 нафар тезкор ходим бириктирилди;

- бириктирилган таълим муассасалари биринчи раҳбарларининг “илмий хулоса – тавсия – натижа” тамойилига асосан маҳаллани хавфсиз ҳудуд қилишга шахсан жавобгарлиги белгиланди;

- Бош прокурор ва Ички ишлар вазирининг **қўшма қарори** ишлаб чиқилиб, республикада криминоген вазияти мураккаб 97 та маҳалла рўйхати ҳамда уларга бириктирилган масъулар тасдиқланди;

- ҳар йилнинг якунида Концепцияда назарда тутилган манзилли чора-тадбирларни кейинги йилда давом эттириш зарурати мавжуд маҳаллалар ва уларга бириктирилган масъул раҳбарлар рўйхатини Бош прокуратура билан биргаликда тасдиқлаш амалиёти йўлга қўйилади;

- маҳаллалар бирлаштирилиши ҳисобига қисқартирилган маҳаллаларда 421 та профилактика инспектори криминоген вазияти мураккаб бўлган маҳаллаларга қайта тақсимланди;

- аҳоли, айниқса ёшлар орасида **наркожиноятларга қарши** самарали курашиш учун барча куч-воситалар **сафарбар** этилди;

- профилактика инспекторлари фаолиятини сунъий интеллект орқали назорат қилиш ва янгича баҳолаш тартиби жорий этилди;

- профилактика инспекторларининг иш самарадорлиги индикаторлари ишлаб чиқилди;

– 2026 йил 1 январдан бошлаб ҳар чорак якуни бўйича профилактика инспекторларининг иш самарадорлигини индикатор асосида автоматлаштирилган рейтинг тизими орқали баҳолаб бориши йўлга қўйилади.

Шунингдек, криминоген вазияти мураккаб ва оғир маҳаллаларда номма-ном бириктирилган масъул раҳбарлар томонидан ташкил этиладиган “хавфсиз кўча”, ва “хавфсиз уй” лойиҳаларига қўйилаётган намунавий талаблар (*техник, инфратузилмавий, ташкилӣ*) белгиланди.

Бундан ташқари, **фуқароларни қабул қилиш** бўйича янгича тизим йўлга қўйилиб, **ҳар ойда** бир маротаба Ички ишлар вазир, **ҳар ҳафтада** вазир ўринбосарлари ва ҳудудий ички ишлар органлари раҳбарларининг қабули йўлга қўйилди.

– республикадаги барча **9 008 та** маҳаллалардаги криминоген вазият таҳлил қилиниб, **4 034 та (44,8 %)** “**яшил**”, **4 311 та (47,9 %)** “**сарик**” ва **663 та (7,4 %)** “**қизил**” тоифаларга ажратилди;

– назоратсиз юрган 74 057 нафар вояга етмаганлар аниқланиб, уларнинг 14 638 нафарини ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам марказларига ва 16 нафари ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштирилди;

– вояга етмаганларнинг 6 347 нафари ўқишга қайтарилди, 6347 нафари спорт, 5839 нафарини факультатив тўғаракларга, 667 нафари кичик бизнес шохобчаларига жалб этилди ва 1435 нафари “Баркамол авлод” марказларига жойлаштирилди;

– фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналарнинг 960 нафари ишга жойлаштирилди, 1 269 нафарига моддий ёрдам кўрсатилди.

– ижтимоий кўмакка муҳтож аёлларнинг 6978 нафари ишга жойлаштирилди, 1657 нафарига тиббий ёрдам кўрсатилиб, 8004 нафарига моддий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишда кўмаклашилди ва 454 нафари зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш марказларига жойлаштирилди;

– тайзиқ ва зўравонликдан жабрланган 93 382 нафар хотин-қизларга ҳимоя ордери берилиб, ҳимоя ордери чекловларига риоя қилмаган 4 974 нафар шахслар Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 206¹-моддаси асосида маъмурий жавобгарликка тортилди;

– 25 529 нафар илгари судланган шахслар профилактик ҳисобдан чиқарилиб, 6 926 нафари ишга жойлашиши учун йўлланмалар берилди ва 3 699 нафарига моддий ёрдам кўрсатилди;

– оила-турмуш доирасидаги низоли ҳолатлар мавжуд бўлган 93 382 та оилаларнинг муаммолари маҳалланинг ўзида кўриб чиқилиб, низолар бартараф этилди, шундан 42 286 та оила яраштирилди;

– соғлиқни сақлаш идоралари ҳисобида турган 59 544 нафар шахслардан 9 026 нафари, шу жумладан, 4 796 нафар спиртли ичимликка ружу қўйган,

888 нафар гиёҳванд ва 3 342 нафар руҳий касаллар мажбурий даволашга жўнатилди;

– профилактика инспекторлари томонидан 2 млн 650 минг 599 та маъмурий ҳуқуқбузарликлар, шундан, 954 767 та паспорт тизими қоидаларини, 366 103 та жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичиш ва 4 251 та оз миқдорда талон-торож қилиш ҳуқуқбузарликлари аниқланган;

– профилактика инспекторининг ваколатига кирувчи маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича 335 млрд сўм жарима ундирилган бўлиб, 115 млрд сўм жаримани ундириш учун ҳужжатлар тегишли идораларга юборилган;

– бевосита профилактика инспекторлари томонидан 4 043 та жиноятлар фош этилди, 535 нафар қидирувда юрган шахслар ушланди, 157 нафар бедарак йўқолган шахсларни қидириб топиш чоралари кўрилди, 628 та ноқонуний ўқ отар қуроллар аниқланди;

– профилактик ҳисобда турган 744 524 нафар шахслар билан ташкил этилган якка тартибдаги профилактик ишлари натижасида мазкур тоифадаги шахслар томонидан содир этилган жиноятлар кескин камайишига эришилди;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятига рақамли технологиялар киритилишини таъминлаш учун 5 471 та таянч пунктларига оптик толали кабел тортилиб, бунинг натижасида судлар томонидан 148 032 та маъмурий ишлар масофадан туриб ўтказилиши таъминланди;

– бугунги кунда фаолият юритиб келаётган 9 008 та маҳалла фуқаролар йиғинларининг, мазкур маҳаллаларнинг 426 тасида “Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскан”лари фаолияти йўлга қўйилди;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январдаги **ПҚ-1-сон** қарорга асосан **Самарқанд, Андижон, Фарғона, Наманган ва Тошкент вилоятларининг** криминоген вазияти оғир **418 та** маҳаллаларида жами **1 024 та** штат бирликларидан иборат **84 та** маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолияти йўлга қўйилди.

Маълумот учун: Тошкент в.да 29, Фарғонада 20, Самарқанд ва Андижонда 15 тадан ва Наманганда 5 та

– “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили асосида профилактика инспекторлари томонидан хонадонлар, оилалар ва профилактик ҳисобдаги шахслар ўрганилиб, ҳуқуқбузарлик содир этиш ёки ундан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган 1 066 261 нафар шахслар аниқланиб, бу тоифадаги 85,5 фоиз (912 077 нафар) шахсларнинг муаммоларини ижобий ҳал этиш чоралари кўрилди;

– ички ишлар органларида ёшлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш мақсадида 1 млн 17 минг 680 нафар ёшлар ички ишлар органлари раҳбар ходимларига бириктирилди, 111 893 нафар ёшларнинг турли ижтимоий ва маиший муаммолари аниқланиб, уларнинг 71 482 та муаммоси ҳал этади;

– Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида 2025 йил 14 февраль куни ёшлар билан очик мулоқот тарзида ўтказилган видеоселектор йиғилишида (9-сон топшириқлар баёни) ички ишлар органлари раҳбарларига **17 689 нафар** алоҳида ишлаш талаб этиладиган “**оғир**” тоифадаги ёшлар бириктирилди.

– туман, шаҳар тиббиёт бирлашмалари таркибида 119 та ҳушёрхоналар ташкил этилди. Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига келтирилган шахсларни қайд этиш ҳамда ўзаро ахборот алмашиш тизимини жорий этиш мақсадида вазирлик томонидан “E-xushyorxona.uz” электрон дастури яратилиб, ишга туширилди.

Республикада 9 008 та маҳалланинг ҳар бирида жами 10 383 нафар профилактика инспектори фаолияти йўлга қўйилди. “102” тизими орқали келиб тушган 92 фоиз (2 521 615 та) чақирувлар профилактика инспекторлари томонидан ўрганиб чиқилиб, 1 379 599 та жиноят ва ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олди олинди.

Аҳолининг 2 470 554 та мурожаатлари кўриб чиқилиб, қонуний қарорлар қабул қилинди. 8 млндан ортиқ хонадонлар ўрганиб чиқилиб, ҳуқуқбузарлик содир этиш ёки ундан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган 1 066 261 нафар шахслар “ижтимоий профилактика” тизими билан қамраб олинди;

“Маҳалла еттилиги” томонидан мазкур шахсларнинг 912 077 нафарида мавжуд ижтимоий муаммолар бартараф этилди

Судларда низолашаётган 70 390 та оилада 68 507 та муаммолар бартараф этилди, 21 756 та оила яраштирилди, оилавий зўравонликка учраган 21 756 нафар аёлларга ҳимоя ордерлари берилди, салбий хулқ-атвордаги 46 589 нафар шахслар билан индивидуал профилактик ишлари олиб борилди.

17 898 нафар яшаш, ўқиш ва иш жойига эга бўлмаган шахсларга ижтимоий, 14 319 нафар назоратсиз қолган болаларга ижтимоий ёрдам кўрсатилди, 9 026 нафар шахслар мажбурий даволанишга ётқизилди.

Маҳаллаларда 2 658 995 та маъмурий ҳуқуқбузарлар аниқланиб, уларга 793 млрд 372 млн сўм миқдорида жарималар белгиланди.

Профилактик тадбирлар натижасида:

- 9 008 та маҳалланинг 44,8 фоизда (4 034 та) жиноят содир этилишига йўл қўйилмади;

- олдини олиш мумкин бўлган жиноятлар 2 105 тага (45 621/43 516);

- ёшлар жинояти 15,1 фоизга ёки 2423 тага (16 062/13 639);

- аёллар жинояти 14,2 фоизга ёки 592 тага (4 167/3 575);

- гуруҳлар жинояти 13,1 фоизга ёки 590 тага (4491/3 901);

- вояга етмаганлар жинояти 11 фоизга ёки 316 тага (2 870/2 554);

- мастлар жинояти 5,6 фоизга ёки 112 тага (2 004/1892), камайишига эришилди;

III. Жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш

– ҳайдовчилар томонидан ҳаракатланиш тезлик меъёрларига риоя этилмаслик ҳолатларини аниқлаш мақсадида “онлайн” режимда ишловчи 5 134 та фото ва видео мосламалари ўрнатилди, йўл-патруль ходимлари 4 557 та бодикамералар, 5 860 та қоидабузарликларни расмийлаштирувчи планшетлар билан таъминланди;

– республика автомобиль йўлларида 26,9 млндан (26 927 710 та) ортиқ йўл ҳаракати қоидабузарликлари, шундан 19,9 млнтаси (19 912 093 та) компьютерлаштирилган бошқарув тизими ёрдамида аниқланган;

– давлат хизматларини кўрсатиш марказлари орқали фуқароларга 354 338 та ҳайдовчилик гувоҳномалари расмийлаштирилиб, 96,9 млрд (96 млрд 970 млн 252 минг 400) сўмдан ортиқ пул маблағлари туширилди;

– Ўзбекистон Республикаси фуқароларига 4 млн 673 минг 599 та ID-карталар расмийлаштирилиб берилди. 477 нафар (2016 йилдан 24 810 нафар) фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилинди;

– республикаимизга ташриф буюрган 439 минг 497 нафардан ортиқ хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар вақтинчалик қайддан ўтиб, улардан 2, 4 трлн сўмдан ортиқ давлат божи ундирилди.

– 1 млн 469 минг 377 нафар фуқароларга хорижга чиқиш биометрик паспортлари расмийлаштирилди.

– Пробация назоратидаги 94 543 нафар шахсларни ижтимоий психологик портрети тузилди ва муайян касбга эга бўлмаган 9 771 нафар шахсларнинг барчаси ўқитиш учун юборилиб, 9 156 нафари касб хунарга ўқитилиши таъминланди.

– Шу билан бирга, назоратдагилар билан 4 375 маротаба ўтказилган “Ишга марҳамат” тадбирлари натижасида 16 765 нафари ишга жойлаштирилди.

– Назоратдаги шахсларни ижтимоий мослаштириш ва ёрдам кўрсатиш масаласида мутасадди ташкилотларга 5 573 та тақдимномалар киритилди.

– Пробация бошқармаси назорати остидаги 96 078 нафар шахслар ҳисобдан чиқарилиб, қатъий тузалиш йўлига кирган 32 690 нафар назоратдаги шахслар муддатидан илгари жазодан шартли озод этилди.

Назоратда турган шахслар билан 4 597 маротаба учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилиб, 40 086 та масалалар бўйича ижтимоий-ҳуқуқий масалалар бўйича ёрдам кўрсатилди.

Шундан, 33 182 нафарига ҳуқуқий ёрдам кўрсатилишида, 44 нафарига уй-жой билан таъминланишида, 2 121 нафарига идентификацияловчи ID карта (паспорт) олишида, 5 226 нафарига ижтимоий ёрдам кўрсатилишида, 16 нафарига пенсия олишида ва 12 нафарига нафақа олишида ҳуқуқий ёрдамлар кўрсатилди.

Жазо ўташдан бўйин товлаб юрган 7 980 нафар назоратдаги шахсларнинг ўталмай қолган жазо муддати жазонинг бошқа турига алмаштирилди.

IV. Криминоген вазият

2025 йил 12 ойида республикада **155 002 та** жиноят содир этилган.

– **43 516 таси** (28,1 фоизи) олди олиними лозим бўлган;

– **34 634 таси** (22,3 фоизи) аниқланган;

– **76 852 таси** (49,6 фоизи) кибержиноятларни ташкил этади.

Олди олиш лозим бўлган жиноят **4,6 фоизга** (45 621/43 516) камайган.

Жиноятларни аниқлаш **23,9 фоизга** (27 953/34 634) ошган.

Биринчидан, 2025 йил 12 ойида **олди олиними лозим** бўлган жиноятлар **2 105 тага ёки 4,6 фоизга** (45 621/43 516) камайтишига эришилди.

Олди олиними лозим бўлган жиноятлар **Тошкент шаҳар** (8 906/7 681), **Сурхондарё** (2 270/2 012), **Қорақалпоғистонда** (1 701/1 491), **Бухоро** (2 415/2 152), **Сирдарё** (937/914), **Қашқадарё** (2 774/2 620), **Хоразм** (1 091/1 048), **Тошкент** (5 598/5 117), **Фарғона** (6 475/5 912), **Наманганда** (3 745/3 736), **Навоий** (1 289/1 286), **Жиззах** (1 307/1 260), **Андижонда** (2 968/2 949) вилоятлари камайган.

Жиноят турларидан **қотиллик 48 тага ёки 13,2 фоизга** (364/316), **оғир тан жароҳати етказиш 60 тага ёки 6,2 фоизга** (826/798), **ўғрилиқ 299 тага ёки 2,8 фоизга** (10 683/10 384), **талончилик 107 тага ёки 20,7 фоизга** (517/410), **босқинчилик 33 тага ёки 20,2 фоизга** (163/130) **фирибгарлик 354 тага ёки 4,3 фоизга** (8 216/7 862), **безорилик 114 тага ёки 4,8 фоизга** (2 369/2 255), **автотранспортни олиб қочиш 27 тага ёки 10,6 фоизга** (254/227), **ўртача оғир тан жароҳати етказиш 188 тага ёки 7,9 фоизга** (2 372/2 184), **енгил тан жароҳати етказиш 531 тага ёки 17,8 фоизга** (2 985/2 454), **йўл-транспорт ҳодисалари 138 тага ёки 1,5 фоизга** (9 365/9 227) ҳамда **ўлим билан боғлиқ ЙТХ 36 тага ёки 1,9 фоизга** (1 869/1 833) камайди.

Олди олиними лозим бўлган жиноятнинг **42,2 фоизини** (18 376 та) мулкий турдаги, **16 фоизини** (7 001 та) соғлиққа қарши, **21,2 фоизини эса** (9 227 та) йўл-транспорт ҳодисалари ташкил этади.

Ўз навбатида, мулкий турдаги жиноятларнинг асосий салмоғи (18 376 дан 10 384 та, 56,5%) ўғрилиқлар ҳисобланиб, уларнинг **22,7 фоизини** (2 363 та) хонадон, **18,6 фоизини** (1 937 та) телефон ўғрилиқлари содир этилган.

Мулкий турдаги жиноятларнинг яна **42,8 фоизини** (18 376 дан 7 862 та) **фирибгарлик** ташкил этиб, уларнинг **22,9 фоизи эса** (1 802 та) ишга киритиш, уй-жой ёки машина олиб беришни ваъда бериб содир этилган.

Иккинчидан, 2025 йил 12 ойида ходимларнинг ташаббуси билан **жиноятларни аниқлаш 23,9 фоизга ёки 6 681 тага** (27 953/34 634) яхшиланган.

Хусусан, **15 412** та наркожиноят аниқланиб (2024 й. 12 278 та, +25,5 %), ноқонуний муомаладан **3 тн** (3 т 775 кг 513 гр) гиёҳвандлик воситалар олинди (2024 й 12 ойда 2 т 138 кг 233 гр).

Шу билан бирга, фоҳишахона (1 859/2 663), терроризм (939/1 201), ноқонуний қурол сақлаш (501/1 028), одам савдоси (177/178) жиноятларини аниқлаш яхшиланди.

Учинчидан, алоҳида тоифадаги шахслар билан манзилли ишлар самарали амалга оширилди.

Хусусан, “ижтимоий профилактика” тизими доирасида мазкур тизим асосида жорий йилда 912 мингдан зиёд (912 077 нафар) ҳуқуқбузарлик содир этиши ёки ундан жабрланиши мумкин бўлган фуқароларнинг муаммолари ижобий ҳал этилди.

Низоли оилалар билан “маҳалла еттилиги” вакиллари ҳамкорликда манзилли ишлар самарали ташкил этилиб, ўтган йил 12 ойида **78 мингдан** ортиқ (78 328 нафар) хотин-қизларга “**ҳимоя ордери**” берилиб, шундан **42 мингта** (42 286 та) оила яраштирилди, **47 минг** (47 927 та) низоларнинг асл сабаблари бартараф этилди.

Шунингдек, **судларда низолашаётган 68 мингдан зиёд** (70 390 тадан 97 %) оилалар ўрганилиб, **7,7 мингдан** зиёд (7 768 та) алимент билан боғлиқ, **2 707 та** мол-мулк билан боғлиқ муаммоси ҳал этилиб, **38 мингдан** зиёд (38 357 та) оилавий низо бартараф этилди.

Республика бўйича **17 минг** нафар “**оғир**” тоифадаги ёшлар ички ишлар раҳбарларига бириктирилиб, уларнинг **7 635** нафарида муаммо аниқланиб, **6 834** таси ҳал этилди.

Натижада ўтган йил 12 ойида **вояга етмаганлар** (2 870/2 554), **аёллар** (4 167/3 575), **ёшлар** (16 062/13 639), **илгари судланган** (5 418/5 032), **ишсизлар** (4 364/3 763) жинояти камайган.

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги